

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари кунини белгилаш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 6 мартда қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 29 мартда маъқулланган

1-модда. 18 апрель Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари кунини этиб белгилансин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2018 йил 2 апрель № ЎРҚ—464	

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Туркменистон ўртасида уч давлатнинг Давлат чегаралари туташган нуқтаси худуди тўғрисидаги Шартномани (Самарқанд, 2017 йил 10 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 5 январда қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 29 мартда маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Туркменистон ўртасида уч давлатнинг Давлат чегаралари туташган нуқтаси худуди тўғрисидаги Шартнома (Самарқанд, 2017 йил 10 ноябрь) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2018 йил 2 апрель № ЎРҚ—465	

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси билан Афғонистон Ислom Республикаси ўртасида фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ўзарo ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Шартномани (Тошкент, 2017 йил 5 декабрь) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 6 мартда қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 29 мартда маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси билан Афғонистон Ислom Республикаси ўртасида фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ўзарo ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Шартнома (Тошкент, 2017 йил 5 декабрь) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2018 йил 2 апрель № ЎРҚ—466	

Афғонистонлик экспертлар:

Тошкентда ўтказилган халқаро конференция Афғонистонда тинч сиёсий жараённи бошлаш учун қулай шарт-шароитлар яратишга имкон беради

Ўзбекистон томонидан Афғонистонда тинчлик ва осойишталикни таъминлашга қумаклашиш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар қўшни мамлакат жамоатчилигининг юксак эътироф ҳамда эътиборига сазовор бўлмоқда.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Яқинда Кобулда ташкил этилган бориш мақсадида тузилган орган) расмий вакили Саййид Эҳсон Олий тинчлик кенгашининг Тоҳирий Ўзбекистон пойтахтида (2010 йили тинч музокаралар олиб бўлиб ўтган “Тинчлик жараёни, хавф-

сизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтакавий шериклик” мавзуида Афғонистон бўйича юқори даражадаги халқаро конференция ҳақида илиқ фикрлар билдирди.

Вакил мазкур нуфузли тадбирдан сўнг низоли томонларда масъулият кучайиши, бу эса уларнинг тезроқ музокараларни бошлашига туртки беришини айтган. “Тошкент-

даги учрашувда эришилган консенсус Афғонистонда таъсирга эга бўлган мамлакатларнинг ҳам тинчлик жараёнига ёрдам кўрсатишига умид қилиш имконини беради”.

Афғонистонлик сиёсий таҳлилчи Амин Аҳмадий Ўзбекистон пойтахтидаги анжуманнинг муҳим жиҳати сифатида унинг барча иштирокчиси марказий ҳукумат ҳамда “Толибон” ҳара-

кати ўртасида тўғридан-тўғри мулоқотнинг йўлга қўйилишини қўллаб-қувватлаганини алоҳида қайд этди.

— Бу жуда катта ижобий ўзгаришдир, — дейди мутахассис. — Тошкент конференциясининг аяқунлари Афғонистонда тинчлик тўғрисидаги келишувга эришилишини тезлаштиришига ишончим комил.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Архитектура ва қурилиш соҳасини бошқаришнинг самарали механизмларини жорий этиш ҳудудларнинг замонавий қиёфасини шакллантириш, ҳаёт ва тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитларни яратишга қаратилган шаҳарсозлик фаолиятини сифат жиҳатидан янги даражага кўтаришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Шу билан бирга, таҳлиллар қурилиш соҳасида давлат бошқарувини ташкил этишда замонавий шаҳарсозлик услублари, нормалари ва қоидаларини кенг жорий қилишга, рақобатни ривожлантиришга, янги субъектларнинг инновацион гоғялар, ишланмалар ва технологиялар билан бозорга кириб келишига тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммоларни очиб берди. Хусусан:

биринчидан, шаҳарсозлик фаолияти, лойиҳа ва пудрат хизматлари бозори, шунингдек, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг ҳолати ҳамда ривожланиш тенденциялари комплекс таҳлил қилинмаган, оқибатда ҳудудларни шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантиришнинг ўрта муддатли ва истиқболли йўналишлари белгиланмаган;

иккинчидан, архитектура ва қурилиш органларининг ташкилий-штат тузилмаси қурилиш ва реконструкция жараёнларини тўлиқ кузатиб боришни таъминлаш, шунингдек, қурилиш-монтаж ишлари

сифатини самарали назорат қилиш учун мавжуд ресурсларни сафарбар этишга имкон бермаяпти;

учинчидан, архитектура ва қурилиш органлари функцияларининг тарқоқлиги ҳамда улар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш даражасининг пастлиги шаҳарсозлик соҳасида давлат хизматларини кўрсатишнинг максимал шаффофлиги ва самарадорлигини таъминламаяпти;

тўртинчидан, кўпчилик аҳоли пунктларининг бош режалари мавжуд эмаслиги ҳудудларни комплекс қуришга, ишлаб чиқариш ва инфратузилма объектларини жойлаштиришга, тадбиркорлик ва ишбилармонлик фаоллигини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда, шунингдек, қурилиш жараёнида пухта ўйланмаган қарорларни қабул қилишга сабаб бўлмоқда;

бешинчидан, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар анча эскирган ҳамда уларда архитектура-қурилиш ишларини олиб боришнинг инновацион услубларини, энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни кенг қўллаш эътиборга олинмаган, бу эса лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва объектларни қуриш сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда;

(Давоми 2-бетда).



Бунёдкорлик

ТОШКЕНТ-ЖАНУБИЙ ТЕМИР ЙЎЛ ВОКЗАЛИДАН ПОЕЗДЛАР 4 АПРЕЛДАН БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ҚАТНОВНИ БОШЛАЙДИ



Сўнгги йилларда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти томонидан янги темир йўллар қаторида, вокзаллар барпо этилиб, мавжудлари замон талабларига мослаштирилаяпти. Жумладан, Бойсун, Учқудук, Гулистон, Термиз каби қўллаб темир йўл вокзалларида йўловчиларга тезкор ва сифатли хизмат кўрсатилаётган бўлса, Самарқанд, Бухоро, Нукус, Қарши, Урганч, Андижон сингари вокзаллар нафақат замонавийлиги, балки ана шу ҳудудлар чиройига чирой бағишлагани билан алоҳида ажралиб туради.

Тошкент-Жанубий темир йўл вокзалини ҳам кўркем қиёфага келтириш, бугунги кун талабларига мос шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан, “Ўзтемирйўлийўловчи” акциядорлик жамияти буюртмаси асосида “Боштранслойиҳа” акциядорлик жамияти ҳамда “Қурилиш универсал компакт сервис” масъулияти чекланган жамияти томонидан ушбу маскан тубдан реконструкция қилинди.

2➡

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

БУЮК АДИБ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов нафақат кирғиз эли, айни пайтда бутун туркий мамлакатлар, жумладан, ўзбек халқи учун ҳам азиз ва қадрли сиймо, Ўзбекистоннинг улкан дўсти эди.

Чингиз Айтматов минтақамиз тинчлиги ва осойишталиги, унинг келажаги ва равнақи, халқларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлаш, уларни турли зиддият ва қарама-қаршилиқлардан асраш йўлида фидокорона фаолият олиб борди.

Ўтган асрнинг 80-йилларида собиқ Марказ томонидан уюштирилган “ўзбек иши”, “пахта иши” каби ноҳақ сиёсий кампаниялар чоғида Чингиз Айтматовнинг адолат ва ҳақиқат куйчиси сифатида халқимизнинг шаъни ва обрў-эътиборини катта минбарлардан туриб мардона ҳимоя қилганини эл-юртимиз ҳамisha миннатдорлик билан эслайди. Бетақорор ижодкорнинг давлатимиз томонидан “Дўстлик” ва “Буюк хизматлари учун” орденлари билан тақдирлангани ҳам шундан далолат беради.

Атоқли адиб ўзбек адабиёти ва санъатининг йирик намоёндалари билан яқин дўст ва ижодий ҳамкор бўлгани ёш адибларимиз учун юксак ибрат намунасидир.

Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги муносабатлар тарихида янги давр бошланган ҳозирги пайтда Чингиз Айтматовнинг ўлмас бадийий мероси

халқларимиз учун янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Унинг гуманизм ва эзгулик гоғяларини, миллий ва умумбашарий қадриятлар, турли миллатлар ва элатлар ўртасида ўзарo ҳурмат ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлашга қаратилган баркамол асарлари мамлакатимизда миллионлаб нусхаларда нашр этилмоқда. Ўзбекистон Миллий университетида ташкил этилган “Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон” доимий экспозицияси фаолият кўрсатмоқда.

Ўзининг ноёб истеъдоди ва жўшқин ижтимоий фаолияти билан халқларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорлиқни, адабий-маданий алоқаларимизни ривожлантириш ишига қўшган улкан ҳиссасини инобатга олиб ҳамда таваллудининг 90 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Фанлар академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва жамоатчилик вакилларининг буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

(Давоми 2-бетда).



Муносабат

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Жиззах вилоятига ташрифи давомида вилоятни янада ривожлантиришга йўналтирилган қатор лойиҳаларнинг амалга оширилиши, аввалги ташрифда берилган топшириқлар ижроси, аҳолининг талаб-эҳтиёжлари билан танишди. Одамлар билан самимий мулоқот қилди. Уларни ўйлантираётган масалалар ечими бўйича аниқ кўрсатмалар берди. Ушбу ташриф Жиззах аҳлида унутилмас, ёрқин таассуротлар қолдирди. Кўнгилларга янада юксак маъсуллик ва кўтаринки руҳият, қизгин меҳнат иштиёқини бахш этди.

Дилларга қувонч бағишлаётган янгиланишлар

Норкул НУШАРОВ, “Нуроний” жамғармаси Жиззах вилояти бўлими раиси: — Ҳақиқатан ҳам, Президентимизнинг ташрифидан, одамларнинг бугундан рози бўлиб яшаши учун яна қилиниши зарур бўлган вазифалар бўйича аниқ топшириқларни, таклифларидан ҳаммамиз беҳад қувондик. Кайфиятимиз кўтарилди, юрт равнақига чексиз дахлдорлигимизни теран ҳис этдик.

Қаранг, ҳозир вилоятимиз бўйича жуда катта ҳажмда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилаяпти. Ҳар бир туманда қатор-қатор лойиҳалар рўёбга чиқарилимоқда. Мисол учун, Зарбдор туманида тўқима-чилик корхонаси қуриляпти. У фаолият бошлагач, эътибор беринг: 864 нафар кишининг бандлиги таъминланади. Бу шунча оилага қўшимча даромад кириб боради, дегандир. Лойиҳа айни жиҳатдан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Қолаверса, давлатимиз раҳбари мамлакатимизда етиштирилган пахтани ўзимизда тўлиқ қайта ишлаймиз, деган фикрни айтдилар. Демак, корхоналар, меҳнат жойлари кўпаяди, давлатимиз иқтисодий жиҳатдан янада юксалади.

Жиззах шаҳридаги собиқ тўқимачилик комбинатининг бўш турган бинолари негизда ҳам замонавий тўқимачилик корхонаси қурилиши кўзда тутилган. Шуларга мос ҳолда аҳолига қўлайлиқлар яратиш учун янги тураржойлар, маиший ва хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилади. Буларнинг барчаси пировардида вилоятимизнинг улкан салоҳиятини юзага чиқаради.

Холбўта МИНГЖИГИТОВ, Манас кишлоғидаги 5-умумтаълим мактаби директори: — “Обод кишлоқ” дастури инсон манфаатларига қаратилаётган эътиборнинг ёрқин намунасидир.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

олтинчидан, қурилиш ишларини ташкил этиш, инновацион ғоялар ва ишланмаларни жорий қилишда айрим ҳолларда тор идоравий манфаатнинг устунлик қилиши бюджет маблағларидан оқилона фойдаланмаслигини сабабларидан бири ҳисобланади;

еттинчидан, қурилиш соҳаси ва қурилиш материаллари саноатида истикболли инвестицион лойиҳаларни, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни илгари суриш ва амалга оширишда, шунингдек, инновацион маҳсулотларни жорий этиш учун инфратузилмани такомиллаштиришда давлат-хусусий шериклигидан фойдаланишга етарлича эътибор берилмаяпти;

саккизинчидан, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг амалдаги тизими архитектура-қурилиш соҳасини жадал ривожлантириш вазифаларини самарали рўёбга чиқаришга имкон бермаяпти, кадрларни моддий рағбатлантириш даражасининг пастлиги эса малакали мутахассисларнинг тизимдан кетиб қолишига олиб келмоқда.

Архитектура-қурилиш соҳасини бошқаришнинг шаҳарсозлик фаолиятига инновацион ғоялар, ишланмалар ва илгор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш имконини берувчи замонавий тизимни яратиш, кўрсатилаётган хизматларнинг шаффофлигини таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясига мувофиқ;

1. Куйдагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси негизда **Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги** (кейинги ўринларда Вазирлик деб юритилади); Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузуридаги Ривожлантириш ва моддий рағбатлантириш жамғармаси ҳамда Таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси базасида **Вазирлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси** ташкил этилсин.

2. Куйдагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузуридаги Давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекцияси **Вазирлик ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси**;

Қурилишда стандартлаштириш ва сертификатлаш республика маркази **Қурилишда стандартлаштириш республика маркази** этиб қайта ташкил қилинсин.

3. Куйдагилар:

қурилиш соҳасида тегишли фаолият турларини лицензиялаш функциясини Вазирлика ўтказган ҳолда, **Қурилиш соҳасида ислохотларнинг амалга оширилиши мониторинги ва фаолиятни лицензиялаш бўйича Республика комиссияси**;

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузуридаги **Шаҳарсозлик фаолиятини ахборот билан таъминлаш маркази**;

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузуридаги **Капитал қурилишда иқтисодий ислохотлар ва нархларни шакллантириш маркази тугатилсин**.

Белгилансинки, Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан келишилган ҳолда 1-иловада назарда тутилган лицензияларни беради.

4. Куйдагилар Вазирликнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ХАЛҚАРО МИГРАЦИЯ ТАШКИЛОТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида 2 апрель куни Халқаро миграция ташкилоти (ХМТ) бош директори Уильям Свинг бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

Унда ХМТнинг Марказий Осиё бўйича ҳудудий муво-
фиқлаштирувчиси Дезан Кесерович, Марказий Осиё бўйича мувофиқлаштирувчи
офисининг Ўзбекистон билан алоқалар бўйича дастурий хо-
димси С. Тощбоев, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурату-
раси, Ички ишлар вазирлиги вакиллари иштирок этди.

ХМТ бош директори У. Свинг Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган исло-
хотлар дунё микёсида ижобий баҳоланаётганини, хусусан, 26-27 март кунлари “Тинчлик
жараёни, хавфсизлик соҳаси-
да ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзуида Афғо-
нистон бўйича юқори даража-
даги Тошкент халқаро конфе-
ренцияси муваффақиятли ўтганини қайд этди. Ўзбекис-
тоннинг меҳнат мигрантлари қўллаб-қувватлаш ва одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳуқуқий механизмлар-
ни амалга оширишга қаратил-
ган муваффақияти алоҳи-
да таъкидланган ҳолда, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ихро-
си юксак баҳоланди.

Учрашувда мигрантларга ёрдам кўрсатиш, миграция оқимини тартибга солишинг

ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш масалалари бўйича Ўзбекистон билан ХМТ ўртасидаги муносабатлар му-
ҳокама қилинди. 2016 йилдан буюб Ўзбекистонда одам сав-
доси ва экстремизмга қарши курашиш соҳаларида қўша лойиҳалар амалга оширилаёт-
гани қайд этилди.

Тадбирда мамлакатимиз-
нинг ХМТга қўшилиш масала-
си бўйича фикр алмашилди. Таъкидланганидек, Ўзбекис-
тон Республикаси Мазкур халқаро ташкилот аъзоси бўлмаган ҳолда, ХМТ томони-
дан ўтказилаётган лойиҳалар-
да фаол иштирок этмоқда. ХМТга аъзо бўлиш мамлақати-
мизга ташкилотга аъзо давлат-
лар билан кўп томонлама ва икки томонлама ҳамкорлик қилиш учун кенг салоҳиятга эга бўлиш имконини беради.

ХМТ бош директори бугун-
ги кунда мазкур нуфузли таш-
килотга аъзо бўлиш бўйича ҳуқуқий асос тайёрланаётга-
ни тўғрисида хабардор қилин-
ди. Ўз навбатида, Уильям Свинг Ўзбекистонни ташки-
лотга қабул қилиш бўйича ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга тайёр эканини билдирди.

ХМТ делегацияси, шунинг-
дек, мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида ҳам музокаралар ўтказди.

Ў.А.

шаҳарсозлик ва қурилиш учун муҳандислик-техник изланишлар соҳасида ягона илмий-техникавий сиёсатни олиб бориш, меҳнат унумдорлигини ошириш, қурилиш-монтаж ишлари қийматини камайтириш, ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган энергия самарадор ва энергия тежайдиган инновацион лойиҳа ва қарорларни қурилиш фаолиятига жорий этиш;

республика ҳудудида аҳолини жойлаштиришнинг бош схемасини, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар ҳудудларини режалаштириш схемаларини, аҳоли пунктларининг бош режаларини ва бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни ташкил қилиш, уларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг юритиш;

шаҳарсозлик соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича тақлифлар тайёрлаш, архитектура-қурилиш фаолиятини ривожлантиришнинг узоқ мuddатли ва ўрта мuddатли давлат дастурларини ишлаб чиқиш, ҳудудларни иختимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг тармок ва ҳудудий дастурларини тайёрлашда иштирок этиш; лойиҳа иши ва қурилиш фаолиятини кенгайтириш, лойиҳа-қидирув ташкилотларининг иш самарадорлигини ошириш ва ҳудудий тармокларини кенгайтириш, якка тартибдаги, намунавий, такроран қўлланиладиган ва експериментал лойиҳаларни ва лойиҳа ечимларини ишлаб чиқишни ташкил этиш, шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертиза қилиш;

шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш ва янгिलाш, идоравий қурилиш норма ва қоидаларини ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш, лойиҳалаш, қурилиш, қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқариш соҳасида стандартлаштириш ишларини амалга ошириш;

архитектура, лойиҳалаш ва қурилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлаш, ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқув жараёнининг даражаси ва сифатини тубдан яхшилаш, қурилиш соҳасида, жумладан, чет элдаги етакчи илмий-тадқиқот муассасаларида лойиҳачилар ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўмаллашиш.

5. Белгिलाб қўйилсинки, Вазирлик: Ўзбекистон Республикасида архитектура ва қурилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади; маҳаллий ҳок ашёни чуқур қайта ишлаш, рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш, шунингдек, янги турдаги юқори сифатли қурилиш материалларига бўлган ички талабни қондириш бўйича дастурий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш борасида “Ўзқурилишматериаллари” АЖ фаолиятини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан молиялаштирилади.

6. Куйдагилар Вазирлик ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат бўйича инспекциянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

аҳоли пунктларининг тасдиқланган бош режаларга қатъий мувофиқ равишда комплекс қурилиши, аҳоли пунктларини режалаштириш ва қуриш, лойиҳа-қидирув ва қурилиш-монтаж ишларини бажариш, қурилиш материаллари ва буюмлари ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишда юридик ва жисмоний шахслар томонидан шаҳарсозлик тўғрисидаги қонунчиликка, шаҳарсозлик норма, қоида ва стандартларига сўзсиз риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

буюртмачи техник назорат ва лойиҳа ташкилотлари

муаллифлик назорати олиб бориши устидан мониторинг ўтказиш.

7. Қурилиш-монтаж ташкилотлари реестрини юритиш тўғрисидаги талаб бекор қилинсин.

Барча тадбиркорлик субъектларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармасидан молиялаштириладиган объектлар қурилиши доирасида товар (иш, хизмат)ларни харид қилиш бўйича танлов (тендер) савдоларида белгиланган тартибда иштирок этиш ҳуқуқи берилсин.

8. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда икки ҳафта мuddатда қурилиш соҳасида айрим фаолият турларини лицензиялашнинг қуйидагиларни назарда тутувчи соддалаштирилган механизмини тасдиқласин:

лицензия шартномасини имзолаш заруратини бекор қилган ҳолда, аниқ ва тўлиқ лицензия талаблари ва шартларини;

лицензия талабгорининг лицензия талаблари ва шартларига мувофиқлигини текширишнинг самарали механизмини;

моддий жавобгарлик ҳамда лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилишни.

Вазирлик 2018 йилнинг охирига қадар 1-иловада назарда тутилган илгари берилган лицензияларнинг ушбу Фармон билан белгиланган лицензиялашнинг янги механизмини ҳисобга олган ҳолда қайта расмийлаштирилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги 2018 йил 1 июлга қадар мuddатда аккредитация механизмини жорий этиш орқали, жумладан, аккредитация органининг мустақиллигини таъминлаш, субъектларнинг малака талабларига мувофиқлигини баҳолаш тартибини белгилашни назарда тутган ҳолда, қурилиш соҳасида техник назоратга оид давлатнинг айрим функцияларини хусусий секторга ўтказиш бўйича тақлиф киритсин.

10. Қурилиш фаолиятини такомиллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири, вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари Чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

11. Вазирлик Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А. Ж. Раматов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори Ш. М. Содиков ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О. Б. Муродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси	Ш. МИРЗИЁЕВ
Президенти	
Тошкент шаҳри, 2018 йил 2 апрель	

ТОШКЕНТ-ЖАНУБИЙ ТЕМИР ЙЎЛ ВОКЗАЛИДАН ПОЕЗДЛАР 4 АПРЕЛДАН БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ҚАТНОВНИ БОШЛАЙДИ

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Гап шундаки, вокзал биноси 1963 йилда қурилган бўлиб, 1985 йил-да реконструкция қилинганди. Бир қаватдан иборат бинода ошхона, кутиш зали ва саккизта чиптахона мав-жуд эди. 2011 йилдан бошлаб эса фақат биттагина темир йўл чиптахо-наси фаолият юритган, холос. Бундан ташқари, вокзалнинг перрон ва олд қисмлари етарли даражада ёритиш мосламалари бўлган таъминланмаган-ди. 500 нафар йўловчига мўлжаллан-ган эски бинода ўтиш йўлаклари ва кўприги, кутиш залидаги шарт-шароитлар бир қатор нуқойлавларни келтириб чиқарди.

— Лойиҳа ҳамда қурилиш ва таъ-мирлаш ишларида айна шу жиҳатлар-га катта эътибор қаратилди, — дейди “Ўзтемирийўйлювчи” акциядорлик жамиятининг Тошкент йўловчиларни ташшини ташкил этиш филиали бош-лиғи Фазлиддин Бадридидов. —

Бунёдкорлик жараёнига 500 нафар курувчи ва 30 дан зиёд техникалар жалб этилди. Натижада тизимдаги энг кўркам ва замонавий вокзал вужудга келди. Бунёдкорлик ишларида ўзимиз-нинг корхоналарда тайёрланган ашё-лардан фойдаланилгани эса янада эътиборлидир.

Эндilikда Тошкент-Жанубий темир йўл вокзали тамомила бошқача қиёфа касб этди. Бу янгиланиш кўринишда-гина эмас, балки кўрсатиладжак хизматларда, йўловчилар учун яратил-лаётган қулайликларда ҳам ақол на-моён бўлади. Вокзалнинг умумий майдони 9,2 гектар бўлиб, 650 метр-ли 3 та перронга эга. Худуддаги диаметри 14 метрлик иккита замона-вий фаввора ёзнинг офтобли қуна-



рида мўътадилликни таъминлашга хизмат қилади.

Йўловчиларнинг йўл ҳужжати, пас-порти, бағажи ва кўл юклари вокзал ҳудудига кириш жойининг ўзида те-кширилади. Вокзал биносида кутиш, VIP заллари, она ва бола хонаси, тиббиёт пункти, мехмонхона, дам олиш хонала-ри, буфет, кўча савдо нуқталари, га-зета ва журналлар, Wi-Fi интернет хизмати, электрон қутубхона, ширинлик-лар ва миллий совғалар сотиш шохоб-часи, мобил қурилмалар учун қувват-лантириш манбаи, электрон маъ-лумотлар маркази ва тафлоси, сайёҳлар зали ҳамда замонавий лифт мавжуд.

Кутиш зали кўرғазма ва телевизион ахборот воситалари билан жиёзлан-ган. У ҳаво ҳарорати меъёрини сақ-ловчи советкичларга эга. Вокзал ҳуду-

Дилшод УЛУҒМУРОВОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
Қ А Р О Р И

БУЮК АДИБ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 90 ЙИЛЛИгини КЕНГ НИШОНЛАШ Тўғрисида

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2. Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий қўмита (кейинги ўринларда Ташкилий қўмита деб аталади) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмита бир ой мuddатда Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини юқори савияда нишонлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин.

Ушбу чора-тадбирлар режасида: “Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон” номли хотира китобини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш;

Чингиз Айтматов ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳужжатли фильм яратиш;

ёзувчи асарлари асосида янги спектакль сахналаштириш ва бадий фильм суратга олиш;

Чингиз Айтматов хотирасини абадийлаштириш мақсадида Тошкент шаҳрининг марказий кўчаларидан бирига адиб номини бериш;

Тошкент вилояти Паркент туманидаги 33-мактабда адиб бюстини ўрнатиш;

Ўзбекистон Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда “Чингиз Айтматов ва ўзбек адабиёти” мавзусида илмий конференция ўтказиш; мамлакатимиздаги олий ва ўрта махсус, касб-хунар, умумий ўрта таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда таниқли шоир ва ёзувчилар, олимлар иштирокида учрашувлар, адабий кечалар ташкил этиш;

2018 йил декабрь ойининг иккинчи ўн кунлигида Ўзбек Миллий академик драма театрида атоқли адиб хотирасига бағишланган ижодий кеча ўтказиш тадбирлари кўзда тутилсин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокompанияси, “Жаҳон” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини нишонлаш билан боглиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси	Ш. МИРЗИЁЕВ
Президенти	
Тошкент шаҳри, 2018 йил 2 апрель	

Дилларга қувонч бағишлаётган янгиланишлар

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Унинг амалга оширилиши чекка ҳудудларда яшаёт-ган юртдошларимиз ҳаётини яхшилаш бораба-рида, муносиб турмуш муҳитини яратида. Манас қишлоги бу борада илк қадам бўлди. Эҳ-ҳе, маз-кур ҳудуднинг икки-уч ой аввалги ҳолати билан ҳозиргисини таққосла-сангиз, ер билан осмон-ча фарқ бор. Бажарилган ишларни ҳақиқий мўъжи-зага киёслаш мумкин.

Инфратузилма бутунлай янгиланди, савдо маскан-лари, тураржойлар қурил-ди, мавжудлари обод қилинди, ичимлик суви таъминоти яхшиланди, қўйинги, фаровон тур-муш кечирishi учун нима-ки зарур бўлса, ҳамма шароитлар яратилди. Бу-нинг учун манасликлар давлатимиз раҳбаридан беҳад миннатдор.

“Обод қишлоқ” дасту-ри доирасидаги юмуш-лардан мактабимиз ҳам четда қолмади. Таълим муассасамизда ўзбек тили билан биргаликда кирғиз тилида ҳам дарс-лар олиб борилади. Ке-йинги вақтларда кирғиз

Саъдулла МЕЛИБОЕВ,
Жиззах шаҳридаги “Заргарлик” маҳалла фуқаролар йигини раиси:

— Инсон ўзини хавфдан холи ҳис этсагинча, эмин-эркин яшайди, Ватан рав-нақи йўлида бор кучини ва истеъдодини сарфлайди. Юртбошимиз топишириги асосида шахримизда ҳаёт-га татбиқ этилган “Хавф-сиз шаҳар” лойиҳаси ана шу мақсадга қаратилгани билан эътиборга молик-дир. Бозорлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, йўллар ва бошқа жамоат жойларига ўрнатилган ви-деокўзатув ускуналари ё-натрофни туну кун назорат қилади. Натижада ҳуқуқбу-зарлик ва жиноятчилик ҳолатларининг олди олина-ди, қоидабузарликларни

«Халқ сўзи» мухбири
Толибжон ЭРҲАШЕВ
ёзиб олди.

Депутат сўровига беписандлик жиддий танқид қилинди

Хар бир масалани чуқур, таҳлилий ўрганиш мавжуд муаммоларнинг ўз вақтида, жойида бартараф этилишига хизмат қилади. Бинобарин, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этиш, манфаатларини таъминлаш мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

Парламент аъзолари иш-тирокида ўтказилган халқ депутатлари Бойсун тумани Кенгашининг навбатдаги сессиясида одамлар билан мулоқот қилишининг самарали механизmlарига эътибор қаратилган ҳолда, ижро ҳокимияти, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ҳамда турли соҳа ва тармоқлар фаолияти бўйича ўрганиш натижалари танқидий руҳда муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, ўрганиш жараёнида халқ вакиллари тумандаги 376 та хонадонда бўлиб, аҳоли турмуш тарзи, яшаш шароити билан яқиндан танишишди. Таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал хизматлар, пенсия таъминоти, транспорт ва йўл қурилиши, экология ҳамда атроф-муҳит, банк хизмати, тадбиркорлик фаолиятини ҳимоялаш билан боғлиқ аниқланган 143 та масаладан 34 таси жойида ҳал этилди.

Туманда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъект-

лари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш мақсадида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ишбилармонларга ажратилаётган кредит миқдори ортиб, улар ҳуқуқларининг бузилишига йўл қўйган, давлат хизматлари кўрсатиш тартибини бузган шахсларга нисбатан интизомий ҳамда маъмурий чоралар қўлланилган.

Бироқ ҳудудда аҳолини тадбиркорлик фаолиятига жалб этишда мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилмаган. Натижада бу борадаги кўрсаткичлар пастлигича қолмоқда. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида бир қатор лойиҳалар амалга ошириллаётган бўлсада, тармоқларнинг лизинг корхонаси, меҳмонхона, маиший техникаларга хизмат кўрсатувчи устакхона, кимёвий тозалаш шохобчалари йўлга қўйилмаган. Ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ таъминотидаги узилишлар ҳамда ободонлаштириш, санитария-гигиена, уй-жой ва бошқа соҳаларда йўл қўйилаётган камчиликлар аҳолининг ҳақли

эътирозларига сабаб бўлаётир.

— Тумандаги мактабгача таълим ёшидаги болаларни боғчаларга тўлиқ қамраб олиш учун умумий сигими 11948 нафар болага мўлжалланган 80 та янги мактабгача таълим муассасасига эҳтиёж мавжуд, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ойбек Жумаев. — Шундан келиб чиққан ҳолда, бу йил 16 та хусусий боғча қурилмоқда. Шу билан бирга, тиббиёт масканлари, хусусан, қишлоқ врачлик пунктлари етарлича тиббий жиҳозлар билан таъминланмагани, шифокорлар етишмаслиги ҳамон долзарблигича қолаётир. Тез тиббий ёрдам шохобчалари телефон тармоғига уланмаган. Тиббий автомашиналарда эса рация алоқаси ўрнатилмаган. Ушбу хизмат сифатини яхшилаш, чақириқларга ўз вақтида етиб бориш самарадорлигини ошириш мақсадида қўшимча 4 та тез тиббий ёрдам автомашинаси билан таъминлаш юзасидан му-

тасаддиларга таклифлар-мизни билдирдик.

Сессияда тумандаги автомобиль йўлларининг аксари-ят қисми жорий ва мукам-мал таъмирга муҳтожлиги айтиб ўтилди ҳамда бу бўйича зарур чора-тадбирлар режалаштирилди.

Шунингдек, халқ депутатлари туман Кенгаши фаолиятидаги камчиликлар ҳам очик-ойдин кўрсатиб ўтилди. Хусусан, сиёсий партия гуруҳлари томонидан туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига таклифлар киритилмаган. Туман Кенгаши депутатларининг ташкилотлар ва муассасалар раҳбарларига киритган депутат сўровининг аксариятига ўз вақтида жавоб берилмаган. Булар қизғин муҳокамаларда танқид остига олинди. Ўз навбатида, халқ депутатлари туман Кенгаши ва ундаги партия гуруҳлари фаолиятини янада кучайтириш, маҳаллий депутатларнинг масъулиятини ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан идоралар ҳамда ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди, туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси” лойиҳаси маъқулланди.

Илҳом РАҲМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Афғонистонлик экспертлар: Тошкентда ўтказилган халқаро конференция Афғонистонда тинч сиёсий жараёни бошлаш учун қулай шарт-шароитлар яратишга имкон беради

◀(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу эса афғонларнинг ҳам, минтақа давлатларининг ҳам манфаатларига тўла жавоб беради. Зеро, Афғонистонда тинчлик ўрнатмай туриб, Осиёда хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш мушкул.

Ўзбекистон биз учун яқин қўшни ҳамда яхши дўст. Яқин қўшни, маълумки, узоқдаги қариндошдан афзалдир. Айнан Ўзбекистон Афғонистоннинг тинч йўл билан тикланишида муҳим ўрин тутиши мумкин. Сиёсатшунос Наби Саварий Тошкентдаги кўп томонлама учрашувни афғон можа-росига жалб қилинган томонлар ёндашувларида умумий ёки ўхшаш жиҳатларни излашга уриниш сифатида баҳолайди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ушбу ташаббуси, экспертнинг фикрича, афғонлар ўртасида конструктив мулоқотни бошлашга таклиф сифатида муҳим ўрин тутди. Мамлакат тақдири ҳақидаги қарорни ҳам афғонларнинг ўзлари ҳал қилиши лозимлиги эътиборга молик.

Умуман олганда, сиёсатшуноснинг таъкидлашича, Ўзбекистон пойтахтида бўлиб ўтган конференция Афғонистонда тинч сиёсий жараёни бошлаш ва қўллаб-қувватлаш учун қулай шарт-шароитлар яратишга имкон беради. Унинг пировард мақсади эса жафокаш афғон халқига кўмаклашиш, унинг учун муносиб ҳаёт тарзини таъминлашдан иборатдир.

Анвар МИРЗАЕВ
«Халқ сўзи»
тайёрлади.

Ўзбекистон — Франция: ТУРИЗМ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Париж шаҳридаги туристик компаниялар ассоциациясининг бир гуруҳ вакиллари “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпаниясининг махсус рейси орқали Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди.

Тадбир

Жорий йилнинг 22 февралда давлатимиз раҳбари раислигида юртимизда туризмни ривожлантириш масалаларига бағишлаб ўтказилган селектор йиғилишида берилган топшириқлар асосида Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги элчихонаси Париждаги туристик компаниялар ассоциацияси билан ҳамкорликда ассоциациянинг навбатдаги йиллик йиғилишини Самарқанд шаҳрида ўтказиш бўйича келишувга эришган эди. Унга мувофиқ, Париждаги туристик компанияларнинг 100 нафардан ортиқ раҳбар ва масъул ходимлари юртимизга келди.

Меҳмонларни Самарқанд халқаро аэропортида Самарқанд шаҳар ҳокими Фуркат Раҳимов кутиб олиб, уларни кўҳна ва қадимий шаҳарга ташриф буюрганичликлари билан самимий қутлади ҳамда сайёҳлик фирмалари Париж шаҳри билан туризм соҳасида ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини билдирди.

— Бундан бир неча ой илгари Ўзбекистонга келганим, — дейди Франциядаги “Ile de France” туристик компаниялар ассоциацияси президенти Лионель де Робие. — Ўзбекистон бизнинг туристик ташкилотларимиз ривожиди алоҳида ўрин тутмоқда. Чунки бу

ерда Самарқанд, Бухоро, Хива сингари афсонавий шаҳарлар мавжуд. Президент Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатда туризмни ривожлантиришга қаратаётган эътибори таҳсинга лойиқ. Самарқанддаги юздан ортиқ сайёҳлик фирмалари билан ҳамкорлиқни йўлга қўйиш учун имкониятларимиз етарли. Ассоциациямизнинг навбатдаги йиғилишини ушбу тарихий шаҳарда ўтказиш эса биз учун улкан шараф.

“Registon plaza” меҳмонхонасида ассоциациянинг йиғилиши ўтказилди. Унда сайёҳлик имкониятларидан самарали фойдаланиш, ҳамкорлиқни тизимли йўлга қўйиш, туристлар оқимини қўлайлаштириш ва бошқа муҳим масалалар муҳокама этилиб, истиқболли келишувларга эришилди.

Тадбир доирасида Самарқанд шаҳридаги туристик объектларга саёҳат, Самарқанд ва Жиззах вилоятларининг туризм имкониятлари бўйича тақдимотлари, маҳаллий туристик фирма ҳамда компаниялар вакилларининг француз ҳамкасблари билан учрашувлари ташкил этилди.

Делегация аъзолари кеча Бухоро шаҳри томон йўл олдилар.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ислоҳот

Фаровонликка хизмат қилувчи лойиҳалар

Самарқанд вилоятини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш учун 500 миллион АҚШ доллари ажратилди.

Самарқанд — мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти юқори, бой тарих ҳамда маданиятга эга ҳудудларидан бири. Айни кунларда вилоятда иқтисодий тараққиётни мустақамлаш, аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ишлар олиб боришмоқда. Бу ислохотлар самарасини самарқандликлар бугуннинг ўзидаёқ ҳис қилишяпти.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Самарқанд вилоятига ташрифлари чоғида саноат, қишлоқ ҳўжалиги, туризм, хизмат кўрсатиш соҳаларида рўёбга чиқарилаётган истиқболли лойиҳалар билан танишиб, вилоятни иқтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш борасида бир қанча топшириқ ва кўрсатмалар берган эди.

Айни пайтда уларнинг изчил ижросини таъминлаш, хусусан, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда аҳолини қийнаётган масалаларни, тўлғаниб қолган муаммоларни бартараф этиш мақсадида қўшимча равишда 500 миллион АҚШ доллари миқдорида маблаг ажратилди.

— Ушбу сармоа, асосан, қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда қайта ишлашга илғор технологияларни жорий қилиш, деҳқон, фермер ҳўжаликлари ва соҳа корхоналари моддий-техника базасини мустақамлаш, мева-сабзавот ҳамда чорвачилик йўналишидаги лойиҳаларни молиялаштириш, вилоят инфратузилмасини яхшилаш учун йўналтирилмоқда, — дейди Самарқанд вилояти ҳокими Туроҳон Жураев. — Шунингдек, Президентимизнинг тегишли қарорларига мувофиқ ташкил этиладиган 17 та кичик саноат зонаси таркибига қирадиган ва вилоятнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқаришга ҳам сарфланади. Пировардида барча манба хизматидан 120 мингта иш ўрни яратилади.

Халқимизда “Эъсқисини тутатгунча, эсинг кетади”, деган нақл бор. Бу бежиз эмас, албатта. Маънан эскир-

ган технологиялар қуттилган натижаларни беролмайди. Шу боис ишлаб чиқаришни модернизация қилишга устувор аҳамият қаратилаяпти. Қишлоқ ҳўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлигининг вилоятдаги вакили Азамат Беқуловнинг таъкидлашича, қишлоқ ҳўжалиги учун замонавий техника ва технологиялар ҳам сотиб олинади.

Кредит маблағлари лойиҳанинг қоплаш истиқболини ҳисобга олган ҳолда берилди. Дейлик, уз йил имтиёзли давр билан 10 йил муддаттача йиллик 5,5-6 фоиз устамта тўлаш шарти билан хорижий валютада олиш мумкин. Масалан, Жаҳон банки лойиҳасида чорвачилик ҳамда мева-сабзавотчилик йўналишлари бўйича бир миқоз учун 2 миллион АҚШ долларигача, маҳсулотни қайташтириш, қайта ишлаш ва етказиб беришни ўз ичига олган лойиҳалар учун эса 4 миллион АҚШ доллари-гача имтиёзли кредитлар тақдим этилади.

Шунингдек, Осиё тараққиёт банки лойиҳаси доирасида 5 миллион АҚШ доллари-гача кредит ажратилади. Четдан харид қилинадиган товар, асбоб-ускуналар 100 фоиз кредит ҳисобиға молиялаштирилади. Имтиёзли кредит ҳисобидан импорт қилинадиган барча товар, хизмат, техника ҳамда технологиялар, жиҳоз ва ускуналар солиқ тўловларидан озод этилиши ишбилармонлар учун яна бир қулайликдир.

Бугун тадбиркору фермерлар учун барча эшик очик, — дейди Қўшработ тумани ҳокими ўринбосари Шавкат Раззоқов. — Тақдим этилаётган имтиёзлардан сўнг деҳқончилик соҳаси ҳам, чорвачилик ҳам янада ривожланади.

Самарқанд шаҳридаги Тадбиркорларга кўмаклашиш истиқболли лойиҳаларни матбуот анжуманида вилоятни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш мақсадида олиб борилаётган шу каби чора-тадбирлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

М. НАЖИМОВ.

Хушxabар

Курсантларимиз халқаро олимпиадада учинчи ўринни қўлга киритди



Жорий йилнинг 26 — 30 март кунлари Арманистоннинг Ереван шаҳрида курсантлар ўртасида чет тили бўйича ўтказилган халқаро олимпиадада Ўзбекистон вакиллари учинчи ўринни қўлга киритди. Эътиборлиси, мазкур билимлар беллашувида ҳамюртларимиз биринчи бор қатнашишган бўлса-да, шундай юқори натижага эришишди.

Мусобақада Ўзбекистон, Россия, Беларусь, Қозоғистон ҳамда мезбон давлат курсантларидан иборат 9 та жамоа ғолиблик учун баҳс-лашди. Олимпиадада Ватанимиз шарафини Мудофаа вазирлигига қарашли Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари “Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик” дастури тайёрлаш маркази инглиз тили кафедраси мудири Илья Зверев бошчилигида Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти курсантлари Аббос Раҳимжонов, Лазиз Раҳимов ва Бекпўлат Бокижоновдан иборат жамоамиз ғимоя қилди.

Халқаро олимпиадада Россия жамоаси биринчи, Арманистон курсантлари иккинчи ўринни эгаллади.

Курсантлар ўртасидаги Халқаро олимпиаданинг навбатдаги баҳслари (математика бўйича) айни пайтда Қозоғистонда бўлиб ўтмоқда. Унда Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсантлари иштирок этаяпти.

Беллашувлар совриндорлари 6 апрель куни маълум бўлади.

Фозилдин АБИЛОВ
тайёрлади.

Изланиш

Янги ўсимлик нави... ўсимлик эмас

Гулистон давлат университетининг биология кафедраси олимлари яратган ўсимлик навидан ҳосил олиш учун эмас, балки маҳаллий ўғит ўрнида фойдаланилади.

Фанда вика, халқона тилда бурчоқ, боқла деб юритилувчи, дуккакдошлар оиласига мансуб табиий тоғ ўсимлиги популяциясидан яқка танлаш усулида яратилган “Мирзачўл-1” оралик экин сифатида куз ойларида экилади. Жавдар ва бошқа дуккакдошлар билан аралаш ҳолда ўстирилган кўк майса эрта баҳорда, гуллаган вақтида оғир борона дисклари воситасида янчилиб, майдаланади ва ер шудгорланади. — Бу нав совуққа чидамли, — дейди қишлоқ ҳўжалиги фанлари номзоди Тоҳиддин Кулиев. — Шу боис

у қиш ойларида ҳам ривождан тўхтамайди, чўлнинг мураккаб шароитига тўлиқ мослаштирилган мазкур навадан қутилаётган натижалар кўп. Унинг ўсимликка қувват бериши маҳаллий ўғит билан баробар. Вегетация даврида эса экин майдонларини кузги ва қишки шамоллар туфайли эрозияга учраш хавфидан ғимоялайди ҳамда ернинг мелiorатив ҳолатини яхшилашга хизмат қилади.

Ушбу навадан чорва учун тўйимли озуқа сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ

Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби бўғинидаги ихтисослаштирилган хореография ўрта мактаби

2018/2019 ўқув йили учун ўқувчилар қабулини эълон қилади.

Ихтисослаштирилган хореография ўрта мактабига кирувчилар учун қабул қоидалари:

Хореография ўрта мактабига рақс санъатига қобилияти бор иқтидорли ўқувчилар;
«**КЛАССИК РАҚС**» бўлимига умумий ўрта таълим мактабининг 4-синфини битирган 10-11 ёшли ўқувчилар;
«**ХАЛҚ РАҚСИ**» бўлимига умумий ўрта таълим мактабининг 7-синфини битирган 13-14 ёшли ўқувчилар қабул қилинади.

Ўқш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Ҳужжатлар **2018 йил 26 майдан 1 июнгача** қабул қилинади.

Ўқшга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

- ректор номига ариза (ўқувчиларнинг ота-онаси ёрдамида тўлдирилади);
- туғилганлик тўғрисидаги ғувоҳнома нусхаси;
- 3x4 см. ҳажмдаги 8 дона фотосурат;
- эмлаш картаси 063, № 026 шаклдаги мактаб шифокори тасдиқлаган тиббий карточка нусхаси, соғлиги тўғрисида яшаш жойидаги оилавий поликлиникадан 086-тиббий маълумотнома;
- мактаб табелининг нусхаси;
- мактабдан тавсифнома, ташхис дафтари (педагогик-психологик);
- тураржойидан маълумотнома (маҳалла фуқаролар йиғинидан);
- ота-онасининг иш жойидан маълумотнома;
- 1 дона файл-папка (20 варақлик).

Ихтисослик бўйича консултациялар май ойининг ҳар шанба кунлари соат 14.00 дан 17.00 гача. Касбий ижодий синовлар **1 июндан 6 июнгача** ўтказилади. Қабул қилиш талаблари (касбий) ижодий синов 3 тур асосида бўлиб ўтади.

I тур — ташки саҳнабоплик кўрсаткичлари (юзи, қомати, гавда тузилиши ва ҳоказо) ҳамда касбга лаёқати (оёқ очилиши, кўтариш, қадам ташлаш, сакраш, эгилувчанлик).

II тур — тиббий кўрикдан ўтиш (асосий диққат гавда, қўл, оёқ скелетларининг тузилиши, мушаклар бақувватлиги, асаб, юрак, ўпка, кўриш аъзоларининг соғлиғига қаратилади).

III тур — мусика қобилиятлари (бунда ўқувчиларнинг рақс, мусика ва ритмни ҳис қилишлари аниқланади) ҳамда ўқувчиларнинг умумтаълим фанларидан билимларини аниқлаш учун она тили ва математика фанларидан тест синовлари ўтказилади.

Аввалги турдан муваффақиятли ўтган ўқувчилар кейинги турда қатнашади. Қабул хайъати аъзолари барча синовлар якуни бўйича ихтисослаштирилган хореография умумий ўрта таълим мактабига ўқувчиларни қабул қилиш масаласини кўриб чиқади.

Қўшимча қабул ва ижодий имтиҳонлар **27 — 29 август** кунлари ўтказилади.

Хореографияга ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабига ўқувчилар сафига қабул қилиш ректор бўйруғи билан расмийлаштирилади. Вилоятлардан келган ўқувчилар тураржой ва иссиқ овқат билан таъминланадилар.

Қўшимча маълумотларни (0-371) 256-24-36, 256-37-13 телефон рақамлари ҳамда www.mgtohm.uz электрон сайти орқали олиш мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 31-уй, метронинг «Космонавтлар» бекати, 140-автобус ва 67-йўналишли таксининг «Хореография олий мактаби» бекати.

Қабул комиссияси.

WorldFood

Ўзбекистондаги ЙИРИК ОЗИҚ-ОВҚАТ КЎРГАЗМАСИГА хуш келибсиз!

18-халқаро кўргазма

2018 йил 4 — 6 апрель

Тошкент ш., «Ўзэкспомарказ» МКК, 1, 2-павильонлар.

Тўлиқ www.worldfood.uz сайтида

1-павильон

2-павильон

Дастлабки икки кун фақат соҳа мутахассислари таклиф этилади!

ONLINE РЎЙХАТДАН ЎТИНГ

Ташкилотчи: **Itessa** Itessa Exhibitions Тел.: (0-371) 205-18-18. E-mail: worldfood@ite-uzbekistan.uz

ҚУРЪОНИ КАРИМ КИРИБ БОРГАН ХОНАДОНГА ФАЙЗУ БАРАКА ЁФИЛАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимизда таълим-тарбия, диний-маърифий йўналишлардаги ислохотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бинобарин, ушбу эзгу саяё-ҳаракатлар Ислом дини улуғлаган фазилатлар — бағрикенглик, саховат, мурувват, яхшилик каби эзгу амалларга ҳамоҳанглиги билан аҳамиятлидир.

28 март куни “Хилол нашр” матбаа-нашриёти томонидан чоп этилган Мусхафи шариф китобхоналарга тақдим қилинди.

Бу ҳақда ношир Исмоил МУҲАММАД СОДИҚ мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Бисмиллаҳир роҳманир роҳим. Аллоҳ таолонинг муборак, барчани ожиз қолдирувчи тенгсиз каломи — Мусхафи шариф юртимизда нашрдан чиқиши шарафли воқеадир. Кўни кеча нашриётимизнинг барча дўконлари орқали бир хил нархда халқимизга етказилишига муваффақ бўлинди.

Аввалмбор, бу хайрли ниятнинг амалга оширилишини қўллаб-қувватлаган раҳбарларимиз, унга ўз ҳиссасини қўшган азиятларимиз, ватандошларимиз муборакбод этамиз. Қалби Қуръонга ошно халқимиз янги нашр этилган Мусхафни шод-хурамлиқ, хурсандчилик ва севинч куёшлари билан қутиб олди. Бу ёрқин ҳодиса мамлакатимизнинг деярли барча оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларимизнинг илмий меросини ўрганиш, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, динимизнинг софлигини асраш борасидаги эзгу ташаббуслари, эл-юртнинг дардига малҳам бўлиш, ҳар бир фуқаронинг мушкулени осон қилишдек улуғ ишга бел боғлаганлари ҳар биримизга улкан ризолик, миннатдорлик бахш этди.

Бугунги кунда ушланган қалб орзуларимиздан бири Қуръон мусобақаси бўлса, бири ушбу Мусхафи шарифнинг чоп қилинишидир. Мусхафи шарифни нашр этиш нашриётимизга асос солган устозимиз, падари бузрукворимиз шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг кўп йиллик саяё-ҳаракатлари, ҳолис эмас. Устозимиз қўллаб китобхоналаримизнинг талаб ва истакларини инобатга олиб, юртимизда Мусхаф чоп этишини ҳам йўлга қўйишга астойдил ҳаракат қилган, бунинг учун матбаа-нашриётимизнинг зарур моддий-техник асос ҳамда

нинг барчасига тўла жавоб беради.

Қуръони Карим — Аллоҳ таолонинг инсониятни дунё ва охират саодатига элтувчи муқаддас каломи-дир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Қуръони Каримни Аллоҳ таолодан қабул қилиб олиб, умматларига омонат ила етказганлар, уни ҳаётга татбиқ этиб кўрсатганлар. Пайғамбарларнинг меросхўрлари бўлган уламои киёмларнинг вазифаси ушбу илоҳий омонатни — Қуръон ва суннатни халққа етказиш бўлиб келган ва келмоқда. Қуръони Каримни ўрганиш, ёд олиш ва ўргатиш Исломда энг улуғ ибодат саналади. Расулulloҳ

соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Сизларнинг энг яхшиларингиз — Қуръонни ўрганган ва ўргатганларингиздир”, дея марҳамат қилганлар. Шунинг учун қадим тарихимиз давомида Қуръони Карим ўқилмаган, Мусхафи шариф қирмаган хонадон бўлмаган.

Аллоҳ таолога ҳамдлар бўлсинки, Исломга, хусусан, Қуръони Каримга улкан хизмат қилган буюк алломалар юрти бўлмиш жаннат-монанд Ватанимиз мустақилликка эришгач, масжид-мадрасалар очилди, миллий қадриятларимиз, диний таълим, диний адабиётимиз тикланди. Халқимиз яна эмин-эркин Қуръон ўқиш бошлади, натижада Мусхафга бўлган эҳтиёж, талаб кучайди. Шу боис республикаимизда Мусхафи шарифни чоп қилиш давр талабига айланди.

Айтиш жоизки, ҳозирги кунда ҳориждан келтирилаётган Мусхафларнинг нархи йўлқира, бож тўловлари ва устама ҳисобига жуда юқорилаб кетмоқда. Биз тақдим этаётган Мусхафнинг нархи эса бир неча баравар арзон. Зеро, нашриётимизда Мусхафи шарифни чоп этишдан кўзланган мақсад даромад олиш эмас, балки халқимизнинг маънавий эҳтиёжини қондириш, диёримизда муқаддас китобимизни нашр қилиш аънасанни тиклаш, давом эттириш ҳамда ажру савобга эришишидир.

Мазкур лойиҳа бўйича дунёда Мусхаф нашри бўйича етакчи матбаалардан ҳисобланган — Миср Араб Республикасидаги “Дорус-салом” нашриёти билан ҳамкорлик шартномаси имзоланган. “Дорус-салом” нашриёти шундан келиб чиқиб, “Хилол-нашр”га Мусхаф чоп этиш учун махсус ижозат берди ва Қуръони Карим нусхаси андозасини тақдим қилди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмида ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси қўмағида ушбу табарруқ лойиҳани бажаришга киришдик.



Нашриёт имкониятидан келиб чиқиб биринчи босқичда мазкур Мусхафнинг адади 50000 донга деб белгиланди, дастлаб шу ададдан 10000 нусха савдога чиқарилди ва 31000 сўмдан сотилди. Иншааллоҳ, бундан буюн ҳар икки-уч ойда ана шундай ададда Мусхафи шарифларни халқимизга тақдим қилиб бориш кўзда тутилмоқда. Келгусида фақат Мусхафи шариф чоп этиш мақсадида алоҳида босмахона ташкил қилишни режалаштирганмиз.

Зеро, Қуръон кириб борган, ўқиладиган ҳар бир хонадонга Аллоҳ таолонинг файз-баракоти ёғилиб туради. Бинобарин, Аллоҳ таолонинг каломи — Қуръони Каримнинг кўп минг нусхада босмадан чиқарилиши ва унинг самараси ўларок, ҳар бир мўмин-мусулмоннинг хонадонидида мусхафлар кўз қорачигидек сакланиши жонажон Ватанимиз учун мислсиз хайр-баракадир.

Қуръони бор хонадонда тарбияланган фарзандлар динига, эл-юртига, миллатига содиқ ватанпарвар, чинакам авлод сифатида камол топади.

Аллоҳ таоло азиз диёримизни Қуръон нури билан мунаввар айласин, бу буюк хизматга бел боғлаб, хайрли ишларга бош-қош бўлаётган Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзининг ҳифзу ҳимоясида асраб, кўзлаган барча эзгу мақсадларига етказсин, ниятларини рўёбга чиқариб, ўйлаганларидан ҳам зиёда натижаларга эриштирсин.

«Халқ сўзи» мухбири
Мақсуд ЖОНИХОВ
ёзиб олди.



O'ZMILLIYBANK

Ўзбекистон Республикаси

Ташиқ иқтисодий фаолият

миллий банки

замон талабларига монанд инновацион

хизматларни таклиф этади.



«Ўзмилийбанк» мижозлари бўлган жисмоний шахслар эндиликда «Milliy» мобил иловаси орқали қуйидаги янги **масофавий** банк хизматларидан online тарзда фойдаланишлари мумкин:

— миллий валютада талаб қилиб олингунча, муддатли ва жамғарма омонатлари ҳисоб рақамларини очиб;

— «UzCard» ва «VISA NBU» пластик карточкалари ҳамда ҳисоб рақамларидаги маблағларни бошқариш;

— «UzCard» ва «VISA Electron/Classic Travel NBU» пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда миллий валютани АҚШ доллариға конверсиясини 24/7 — кечаю кундуз амалга ошириш.

Агар сиз ҳали «Ўзмилийбанк»нинг мижози бўлмасангиз ва мазкур банк хизматларидан фойдаланишни истасангиз, унда:

— «Ўзмилийбанк»нинг исталган бўлим ёки филиалига бир маротаба шахсингизни тасдиқлаш учун мурожаат этинг;

— «Milliy» мобил иловасини юклаб олинг ва телефон рақамингизни ушбу тизимга қиритинг;

— телефонингизга келган SMS-хабардаги код орқали «Milliy» мобил иловасидан рўйхатдан ўтинг ва «Ўзмилийбанк»нинг масофавий хизматларидан фойдаланинг!

Қўшимча маълумотларни **(0-371) 148-00-10** телефон рақами орқали ёки банкнинг **www.nbu.uz** веб-сайтидан олишингиз мумкин.

«Milliy» мобил иловасини бепул «App Store» ва «Google Play»дан юклаб олишингиз ёки қуйидаги QR-кодлардан фойдаланишингиз мумкин:



Хизматлар лицензияланган.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

2017/2018 ўқув йилида бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларни ҳамкорлик шартномалари ҳамда буюртмалар асосида иш жойларига тақсимлашга киришганлигини маълум қилади.

Т/р	Таълим йўналишлари (мутахассисликлар) номи		Битирувчиларнинг умумий сони	Шу жумладан		Худудлар бўйича																																
	Коди	Номи		Жами грант	Жами тўлов-контракт	Коракалпо-ғистон Республикаси		Андижон вилояти		Бухоро вилояти		Жиззах вилояти		Навоий вилояти		Наманган вилояти		Самарқанд вилояти		Сурхондарё вилояти		Сирдарё вилояти		Тошкент вилояти		Фарғона вилояти		Хоразм вилояти		Қашқадарё вилояти		Тошкент шаҳри						
						г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш	г	ш					
ЎЗДК бўйича жами битирувчилар сони				367	110	257	2	9	4	32	4	7	3	16	1	5	6	15	4	16	1	11	5	9	17	26	10	43	2	12	8	17	43	39				
БАКАЛАВРИАТ				347	103	244	2	9	3	31	4	6	3	15	1	5	5	15	3	15	1	11	5	9	15	23	10	42	2	11	8	17	41	35				
1.	5150100	Бастакорлик санъати	6	2	4																																	
2.	5150200	Санъатшунослик: мусиқашунослик	18	6	12		2																															
3.	5150500	Дирижёрлик: хор дирижёрлиги	20	5	15																																	
4.	5150600	Вокал санъати: академик хонандалик	33	11	22																																	
5.	5150600	Вокал санъати: анъанавий хонандалик	29	10	19		1																															
6.	5150600	Вокал санъати: эстрада хонандалиги	23	10	13																																	
7.	5150700	Чолғу ижрочилиги: фортепиано (орган)	37	11	26																																	
8.	5150700	Чолғу ижрочилиги: торли чолғулар	14	4	10																																	
9.	5150700	Чолғу ижрочилиги: ёғоч-дамли чолғулар	10	5	5																																	
10.	5150700	Чолғу ижрочилиги: мис-дамли ва зарбли чолғулар	19	5	14																																	
11.	5150700	Чолғу ижрочилиги: мизробли халқ чолғулари	22	4	18																																	
12.	5150700	Чолғу ижрочилиги: камонли ўзбек халқ чолғулари	13	4	9																																	
13.	5150700	Чолғу ижрочилиги: дамли ва урма халқ чолғулари	12	6	6																																	
14.	5150700	Чолғу ижрочилиги: анъанавий чолғулар	42	5	37																																	
15.	5150700	Чолғу ижрочилиги: эстрада чолғулари	23	5	18																																	
16.	5151400	Техноген санъат (мусиқий овоз режиссёрлиги)	26	10	16																																	
МАГИСТРАТУРА				20	7	13																																
1.	5A150101	Бастакорлик санъати	2	1	1																																	
2.	5A150202	Мусиқа санъати	4	1	3																																	
3.	5A150501	Дирижёрлик: хор дирижёрлиги	3	1	2																																	
4.	5A150501	Дирижёрлик: опера-симфония дирижёрлиги																																				
5.	5A150601	Вокал санъати: академик хонандалик																																				
6.	5A150601	Вокал санъати: анъанавий хонандалик	3	1	2																																	
7.	5A150601	Вокал санъати: эстрада хонандалиги																																				
8.	5A150701	Фортепиано (орган)	2	1	1																																	
9.	5A150702	Чолғу ижрочилиги: торли чолғулар	2	1	1																																	
10.	5A150702	Чолғу ижрочилиги: халқ чолғулари	2	1	1																																	
11.	5A150702	Чолғу ижрочилиги: пуфлама ва зарбли чолғулар	1		1																																	
12.	5A150702	Чолғу ижрочилиги: анъанавий чолғулар																																				
13.	5A150702	Чолғу ижрочилиги: эстрада чолғулари	1		1																																	

Изоҳ: г — давлат гранти асосида битирувчилар, ш — тўлов-шартнома асосида битирувчилар.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 244-53-20, 244-85-85. Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй.

ЎЗБЕКИСТОН

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 445. 113 532 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг: